XORAZM VILOYATI YANGIARIQ TUMANI HOKIMINING QARORI

221100, Yangiariq tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 74-uy, telefon: (62)38-55-775, faks: 38-55-774

2022 - yil 12 - fevral 102-12-179-Q/22 Yangiariq tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 14-сонли қарори ҳамда шу юзасидан қабул қилинган Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 31 январдаги 42-12-0-Q/22-сонли қарорлари ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги 14-сонли қарорига мувофиқ ер участкаларини олиб қўйиш масалаларида низоли вазиятларнинг олдини олиш ва ушбу соҳадаги низоларни самарали ҳал этиш, ер участкалари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 14-сонли қарори ҳамда шу юзасидан қабул қилинган Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 31 январдаги 42-12-0-Q/22-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганли маълумот учун қабул қилинсин.

3. Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 911-сонли қарорининг ижроси ҳақида”ги 703к-сонли қарорига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Тумандаги ташкилотлари ва идоралари раҳбарлари ўзлари қабул қилган ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Саидов ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари А.Эламоновлар зиммасига

юклатилсин.

Туман ҳокими в.б. **А.Давлетов**

Янгиариқ туман ҳокимининг
2022 йил 12 февралдаги
102-12-179-Q/22-сон қарорига
1-илова

Хоразм вилоят
ҳокимининг 2022 йил 31 январдаги
42-12-0-Q/22-сон қарорига

Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 911-сонли қарорининг ижроси ҳақида” ги 703қ-сонли қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 33-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“Баённомада инвестиция лойиҳалари ушбу ҳудудда амалга оширилишига розилик берган ёки қарши бўлган мулкдорлар кўрсатилиши шарт”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Очиқ муҳокама давомида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган ер участкасида инвестиция лойиҳаси амалга оширилишига битта мулкдор қарши бўлган тақдирда ҳам мазкур ҳудудда ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўл қўйилмайди”.

2. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“47. Олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг 75 фоизидан ёзма розилик олинганда (Келишув тузилганда), бироқ қолган мулкдорларнинг розилигини олиш имкони бўлмаганда (Келишувга эришилмаганда) ташаббускор уларнинг кўчмас мулк объектлари бўйича бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддатини белгилаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли”.